

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

“Asaka yog’» акциядорлик жамияти Кузатув  
кенгашининг 2017 йил 29 январдаги  
қарори билан

**«Asaka yog’» АЖ**  
**“Бошқарув ва назорат органларининг**  
**акциядорларнинг умумий йиғилишида**  
**ҳисобот бериш”**  
**Тартиби**

2017 йил

## **МУНДАРИЖА**

- 1. Умумий қоидалар**
- 2. Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли**
- 3. Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) мазмунига бўлган талаблар ва акциядорлар умумий йиғилишининг давомийлиги**
- 4. Яқунловчи қоидалар**

### **I. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонунчилик актлари, “Asaka yop” акциядорлик Жамиятнинг Устави (матн бўйича «Жамият»), Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги 9-сонли йиғилиши баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, “Asaka yop” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шаклига мазмунига бўлган талабларни, акциядорларнинг умумий йиғилиши давомийлигини белгилайди.

1.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

1.3. Жамият Кузатув кенгаши, Ижроия органи ва Тафтиш комиссияси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ўз вақолатига кирувчи масалалар бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот беришлари шарт.

### **II. Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли**

#### **2.1. Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботлари шакли:**

2.1.1. Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши ҳамда Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот;

2.1.2. акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, молия йили яқунлари бўйича мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчилар томонидан бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган таҳлил натижалари бўйича ҳисобот;

2.1.2. Жамиятнинг кейинги йил учун тасдиқланган бизнес-режаси бўйича маълумот;

2.1.3. Жамият Бошқаруви раиси лавозимига эълон қилинган танлов натижалари бўйича маълумот;

2.1.4. Жамият томонидан ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдамлар учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот;

2.1.5. Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиниши бўйича маълумот;

2.1.6. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари ва ҳулосаси бўйича маълумот

2.1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан берилган топшириқларнинг бажарилиши бўйича маълумот;

2.1.7. Ички аудит хизмати томонидан берилган ҳисоботлар асосидаги ҳулоса;

2.1.8. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ бошқа масалалар бўйича маълумот киради.

## **2.2. Жамият ижроия органи ҳисоботлари шакли:**

2.2.1. Жамият бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида ҳисобот;

2.2.2. Жамиятнинг ҳисобот йили яқунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) тўғрисидаги ҳисобот;

2.2.3. Жамиятнинг ҳисобот йили яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот;

2.2.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан берилган топшириқларнинг бажарилиши бўйича маълумот;

## **2.3. Жамият Тафтиш комиссияси ҳисоботлари шакли:**

2.3.1. Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун

ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган хулоса.

2.3.2. Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисида хулоса.

2.3.3. Жамият томонидан қимматли қоғозлар бозори ва акциядорлик жамиятларига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши бўйича маълумот;

2.3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан берилган топшириқларнинг бажарилиши бўйича маълумотлардан иборат.

### **III. Бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) мазмунига бўлган талаблар ва акциядорларнинг умумий йиғилиши давомийлиги**

3.1. Жамият Кузатув кенгаши, Ижроия органи ва Тафтиш комиссияси маърузалари (ҳисоботлари) мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши таҳлили;
- Ҳисоботларни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таққосланганлиги;
- Даромадлар ва харажатлар структураси таҳлили;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан берилган топшириқларнинг бажарилиши бўйича маълумотлар;
- Ваколатига кирувчи бошқа масалалар бўйича аниқ статистик ва зарур бўлган бошқа маълумотлар.

3.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш учунакциядорлар умумий йиғилиши томонидан регламент тасдиқланади.

3.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг давомийлиги тасдиқланган регламентга мувофиқ белгиланади ва ўтказилади.

3.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тасдиқланган регламентга ўзгартириш киритиш ваколатига эга.

### **IV. Яқунловчи қоидалар**

4.1. Агар мазкур Тартибнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамиятнинг уставига ҳамда “Asaka yog” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга зид келса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Регламентга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият уставига ва “Asaka yog” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга амал қилинади.